O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL 6 AVGUST
SESHANBA
№ 95 (26.954)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

«УМИД» ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Авваламбор, мураккаб ва масъулиятли синовлардан муваффақиятли ўтиб, тараққий топган давлатлардаги энг нуфузли университетларда таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритган ҳар бирингизни бағримга босиб, сизларга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Озод ва обод Ватанимиз бағрида камолга етиб, ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла рўёбга чиқариш иштиёқи билан яшаётган сиздек ёш авлод вакилларини жаҳоннинг обрўли олий ўқув даргоҳларига кузатиш, оқ йўл тилаш менга ҳар сафар катта мамнуният бахш этади.

Чунки мен сизларнинг сиймонгизда Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини, ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун халқимиз қалбидаги эзгу ва олижаноб интилишларнинг ёрқин ифодасини кўраман.

Бугун сизларнинг зиммангизга мана шундай юксак ишончга муносиб бўлиш, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг ворислари эканингизни амалда исбот этишдек улкан масъулият тушмоқда.

Қадим ва табаррук юртимиз тупроғига Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуғ мутафаккир ва алломалар сочиб кетган илму маърифат уруғи бугун сиз каби минглаб ёшларимиз тимсолида янгитдан ҳосил бераётгани ҳар бир юртдошимизга юксак ғурур-ифтихор бахш этади.

Ишонаманки, сизлар ҳозирги замоннинг энг илғор ютуқларини пухта эгаллаб, орттирган билим ва тажрибаларингиз билан ўзингиз униб-ўсган, ҳаммамиз учун азиз ва муқаддас бўлган мана шу замин равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилиб, халқимиз, Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчингизни шараф билан адо этасиз.

Сизларни хорижнинг энг нуфузли билим даргоҳларида таълим олиш бахтига муяссар бўлганингиз билан яна бир бор қутлар эканман, узоқ ва хайрли сафар олдидан оқ йўл тилайман.

Юртимиз муҳаббати, халқимиз меҳри қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин. Эзгу мақсадлар сари ташлаётган қадамингиз қутлуғ бўлсин, Яратганимиз барчангизни ўз паноҳида асрасин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Пойтахтимиздаги Банклар уюшмасининг муҳташам биносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ ташкил этилган Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг 2002-2003 ўқув йили грантлари совриндорларини қутлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирда грант соҳиблари, уларнинг ота-оналари, хорижий давлатларнинг юртимиздаги элчилари, олий ўқув юртлари раҳбарлари ва талаба ёшлар иштирок этди.

Маросимни Бош вазир ўринбосари, «Умид» жамғармаси бошқаруви раиси Р.Азимов очди.

Давлатимиз раҳбарининг «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўқиб эшиттирди.

Ўтган давр мобайнида «Умид» йўлланмаси билан 785 нафар иқтидорли талаба АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Италия ва Канада сингари ривожланган мамлакатлардаги олий ўқув юртларига бакалаврлик ва магистрлик даражасини олиш учун ўқишга юборилди. Улар иқтисод, ҳуқуқ, информатика, компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўплаб йўналишларда билим олмоқда.

Тадбирда юртимиз ёшлари миллатимиз маънавий-маърифий ва маданий салоҳияти, заковати ва ғуруруни Ватанимиздан олисда ҳам муносиб намоён этаётгани таъкидланди. Зеро, улар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, дунё маданияти бешигини тебратган буюк аждодларимизнинг ворисларидир. Ҳозир ушбу йигит-қизларнинг 500 нафардан зиёди ўқишни муваффақиятли тамомлаб, мамлакатимиз вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Жамғарманинг 2002-2003 ўқув йили учун танлов синовлари ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошланди ва халқаро андозаларга мос йўсинда амалга оширилди. 470 нафар даъвогардан 43 нафари чет эл олий ўқув юртларида магистратура дастури бўйича таълим олиш ҳуқуқига эга бўлди. Уларнинг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан бўлиб, имтиёзли диплом соҳибларидир. Бу эса юртимизнинг энг олис ва чекка ҳудудларида ҳам ёшларимизнинг билим олишга бўлган иштиёқи тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Бу йил «Умид» жамғармасининг ўқув базаси янада кенгайиб, Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этилди. Энди «Умид» грантлари совриндорлари бакалаврлик йўналиши бўйича ана шу илм даргоҳида Буюк Британиядаги таълим талаблари асосида таҳсил олади.

Маросимда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова грант совриндорларига Президентимиз совғалари ва чет эл олий ўқув юртларида таълим олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топширди.

Тадбирда 2002-2003 ўқув йили грантлари соҳибларининг Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик мактуби қабул қилинди.

■ **Назокат УСМОНОВА,**
ЎзА мухбири

✧✧✧

Суратларда:
маросимдан лавҳалар.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА КИТОБ САВДОСИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётга, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларнинг янги авлод дарсликлар ва ўқув адабиётига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек китоб савдоси тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Китобсавдо» акциядорлик жамиятларининг очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясига китоб маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишни ташкил этишни мувофиқлаштирувчи функцияси юклансин.

2. Қуйидагилар «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика китоб бозори конъюнктураси маркетингини амалга ошириш, аҳолининг китобларга ва бошқа босма маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари мониторингини ташкил этиш, уларнинг натижаларини нашриётлар ва истеъмолчиларга етказиш;

китоб маҳсулотларига буюртмаларни шакллантириш, шунингдек дарсликлар ва ўқув адабиётига буюртмаларни шакллантиришда иштирок этиш;

республика ҳудудида китоб дўконлари тармоғини қулай тарзда жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

китоблар ва бошқа босма маҳсулотлар жойлардаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек уларни сотишни ташкил этиш;

китоб маҳсулотлари кўргазма-ярмаркалари ташкил этиш, шунингдек халқаро ярмаркаларда қатнашиш.

(Давоми 3-бетда)

ХДП ХАБАРИ

НАВБАТДАГИ СЕМИНАР-КЕНГАШЛАР

Жорий йилнинг 2-3 августида Урганч ва Нукус шаҳарларида, Ўзбекистон ХДП МК Котибияти қарорига биноан ўтказилаётган, семинар-кенгашларнинг навбатдагилари бўлиб ўтди. Уларда қатнашган ХДП Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республика кенгашлари котиблари ва ижроия бюро аъзолари, уларнинг тасарруфидаги шаҳар, туман партия кенгашлари котиблари ҳамда аппаратлари масъул ходимлари, шунингдек, партиядан сайланган депутатлар Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг **«Мамлакатдаги парламент ислоҳоти ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари»** мавзуидаги маърузасини тингладилар. Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси, Урганч шаҳар кенгаши биринчи котиби Б.Бобожонов ва Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби А.Асанов ҳамда қатор шаҳар, туман кенгашлари биринчи котиблари партия Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот бердилар.

Мамлакатимизда парламент ислоҳотининг ўтказилиши, таъкидланди тадбирларда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократиялаштириш жараёнларини чуқурлаштиради, сиёсий партияларнинг аҳамияти ва масъулиятини оширади. Чунончи, Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлик фракцияси икки палатали парламентни вужудга келтириш билан боғлиқ қонунчиликни ривожлантиришда фаол иштирок этишга даъват этилган. Депутатларимиз Олий Мажлис, давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, сайловлар, сиёсий партиялар тўғрисидаги ва қатор бошқа мавжуд қонунларга ўзгартиришларни киритишга ўз ҳиссаларини қўшиш устида жиддий ишлашлари керак. Улар ҳамда ХДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, қонунларни тарғиб қилиш билан бирга, қишлоқ хўжалиги, уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш, халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш, бошқа соҳаларда ислоҳотларнинг жойларда боришини таҳлил этиб, бу йўлдаги тўсиқларни тугатишга қаратилган чора-тадбирларни кўришга кўмаклашишлари лозим.

Семинарлардаги маърузалар ва нотиқлар сўзларида маҳаллий партия ташкилотларидаги аҳвол ҳар томонлама кўриб чиқилиб, ички партиявий ишлардаги нуқсон ва муаммоларни бартараф этиш, хусусан, партия раҳбар кадрларини танлаш ва тарбиялаш масалаларига эътиборни кучайтириш лозимлигига урғу берилди.

Нукусда бўлиб ўтган семинар-кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг биринчи ўринбосари А.Ибрагимов сўзга чиқди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси раисининг биринчи ўринбосари Б.Қдирниёзов иштирок этди. Урганчдаги тадбирда Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Б.Исмоилов қатнашди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ БАНКДАН ТАШҚАРИ МУОМАЛАСИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банкдан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари дастури маъқуллансин.

2. Белгиланисинки, 2002 йил 5 августдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини инкасса қилишда инкасса гуруҳи таркибига давлат солиқ хизматининг инкасса қилинадиган объектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари мажбурий тартибда киритилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда улгуржи ва чакана савдода, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида савдо ва нақд тушумни топшириш қоидаларига риоя қилинишини режадан ташқари тезкор текширишларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

(Давоми 3-бетда)

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан таҳририятимизга ҳар куни ариза ва шикоятлар келади. Уларни имкони борича ўрганиб, газетамизда ёритишга ҳаракат қиламиз. Айримларини кўриб чиқиш учун тегишли идора ва ташкилотларга юборамиз.

Хатлар ўз йўлига. Аммо республика миқёсидаги идоралар қабулхонасида ҳар куни узоқ-яқиндан келган «аризачи»ларни кўриш мумкин. Ариза ва шикоятлар билан пойтахтга келиб-кетиш осон эмас, албатта. Бунинг учун вақт, маблағ сарфлашга тўғри келади. Шуни инобатга олиб, таҳририятимиз «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»ни ўтказишга қарор қилган эди. Газетамизнинг шу йил 27 апрель ва 2 май сонларида бу ҳақда маълумот бериб, дастлабки учрашув адлия вазири билан бўлиши эълон қилинган эди.

Шундан сўнг таҳририятимизга юздан зиёд савол, ариза ва шикоятлар тушди. Саволларнинг айримлари бир-бирини такрорлагани боис, уларнинг орасидан энг муҳимларини танлашга ҳаракат қилдик. Шунингдек, Қорақалпоғистондан кўплаб хатлар келганлиги сабабли бу минтақа фуқаролари саволларига кўпроқ ўрин берилди.

Шундай қилиб, «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»га тушган саволларга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Абдусамат ПОЛВОН-ЗОДА жавоб беради.

2-БЕТ →

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўтган ҳафта Кунчиқар ўлкага қилган ташрифини

БИЗ КАШФ ҚИЛГАН ЯПОНИЯ

деб шарҳлашни жоиз кўрдик

Яқинда хорижда чиқадиган «Глобалист» газетаси Японияга таъриф бериб шундай деб ёзди: **«Бу мамлакат миллий иқтисодда жаҳонда иккинчи, ривожланаётган давлатларга ёрдам беришда дунёда биринчи, жамиятни тараққий эттиришда энг олдингилардан бири».** Телеэкран қаршисида ўтириб, Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи ҳақидаги кўрсатувни кўрганимдан сўнг «Глобалист»нинг хулосасига қуйидаги жумлани қўшиб қўйишни лозим деб топдим: **«Японлар дунёда энг илтифотли халқ».**

Ана шу халқ ва ана шу давлат тимсолида биз узоқ юртда яқин дўст, ишончли ҳамкор орттирдик. Бундай ижобий ҳолат бизда фикр-мулоҳаза уйғотмаслиги, муносабат билдириш истагини туғдирмаслиги ва фахр-ифтихор туйғусини қўзғатмаслиги мумкин эмас. Тошкент билан Токио ўртасида қурилаётган «кўприк»нинг аҳамиятини шарҳлашга, аввало, ана шу ҳиссиётлар туртки берди.

Одам ҳаётда ҳамиша ҳавас билан яшаши керак. Шундагина у мақсадига эришади. Бировга ҳасад қилган одам эса хароб бўлади. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳамда дунё сиёсати қонуниятларида ҳам ана шу фалсафа мавжуд. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ шу фалсафага амал қилиб келяпти. Яъни, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган, демократик ривожланиш йўлига тушиб олган, ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрни ва ўз қарашларига эга бўлган давлатларга ҳавас билан қараб, улар билан қалин дўстлик ва яқин ҳамкорлик ипларини боғлаб келяпти. Шунинг ўзи унинг қайси йўлдан бораётганлигини кўрсатиб турибди.

БИ-БИ-СИ «Каримов Токиога кўприк қурмоқда» деганида ҳақ эди. Аслида бундай кўприклар Вашингтон ва бошқа шаҳарларга ҳам қурилмоқда. Бироқ ҳар қайсисининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Фақат мўъжизалар мамлакати бўлганлиги учунгина Япония билан яқин алоқалар ўрнатаётганлигимиз йўқ. Аввало, бизда қадимий Буюк ипак йўли боғлаган умумийлик ва ўхшашлик бор. Жумладан, саховатдаги ва илтифотдаги ўхшашлигимиз яққол кўзга ташланиб туради. Одоб-андишада бир-биримизга ҳавас қилсак арзийди. Каттага ҳурмат, кичикка шафқат, оилага садоқатдаги ўхшашликни айтмайсизми? Саранжом-саришталикда эса бир хилмиз.

Буни Ўзбекистон Президенти Токиодан қайтаётиб самолётда телевидение мухбирига берган интервьюсида машҳур «Сони» корпорациясининг кўргазма марказида кўрган мўъжизалари мисолида ҳам таърифлаб берди.

Ҳақиқатан ҳам япондан ўргансак, ибрат олсак, улар билан борди-келди ва савдо-сотиқ қилсак арзийди. Шундай қиляпмиз ҳам. Ҳозиргача Японияниг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоя ҳажми бир миллиард 600 миллион АҚШ долларидан ошди. Ўтган ҳафта Токиода имзоланган шартномалар эса яна миллиардлар учун йўл очиши шаксиз... Икки давлат ўртасида ўрнатилган стратегик ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам шу.

(Давоми 3-бетда)

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

● **САВОЛ:** — ***Менинг қариндошларим ва айрим тадбиркорлар Тошкент биржасидан Шаҳрисабз туманидаги «Кеш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 60 фоиз акциясини сотиб олишди. Кузатув кенгаши аъзоларининг тавсияси билан жамиятга раҳбарлик қилдим. Шикоят асосида менинг фаолиятим устидан жиноий иш қўзғатилди. Жиноий ишлар бўйича Шаҳрисабз ва Китоб туман судлари жиноят ишини қайта терговга қайтариш юзасидан ажрим чиқарди. Жиноий ишлар бўйича Қамаши туман судининг 2002 йил 18 февраль ҳукми билан менга тегишли жазо тайинланди. Лекин суд томонидан чиқарилган ҳукм қўлимизга берилмади. «Ўзларинг кўчирма олинглар», дейишди. Шундай қилишга мажбур бўлдик. Судларнинг харажати учун давлат бюджетидан маблағ ажратилмайдими? Бундан ташқари, ҳукм ёки қарорни ўз вақтида етказиш судларнинг вазифасига кирмайдими?***

Баҳодир ЧОРИЕВ,
Шаҳрисабз шаҳри,
Н.Бердиев кўчаси, 10-уй.

❑ **ЖАВОБ:** — Жиноят-Процессуал Кодексининг 475-моддасида белгиланган қоидага асосан ҳукм эълон қилинганидан кейин унинг нусхаси уч суткадан кечиктирилмай, ҳажми катта бўлган тақдирда эса ўн суткадан кечиктирилмай маҳкум ва оқланган шахсга берилади.

Демак, кўрсатилган тартибда ҳукм нусхасини маҳкумга етказиш суднинг вазифасига киради.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 79-моддасига биноан судларни молиялаш, уларнинг моддий-техника ва ўзга хил таъминоти давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

● **САВОЛ:** — ***Жамоа хўжалиги ҳудудида яшаб туриб, қишлоқ хўжалигига алоқаси йўқ бўлган, яъни соҳада ишлаётган фуқаро томорқа учун ер олиб, фойдаланиш ҳуқуқига эгами?***

С.ИБОДУЛЛЕВ,
Нукус шаҳри, «Нукус» ж/х,
Қумовул кўчаси, 2-уй.

❑ **ЖАВОБ:** — Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 55-моддаси ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига асосан қишлоқ жойларида (шу жумладан, ширкат хўжалиги ҳудудида) яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкаси мерос қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилиши мумкин.

● **ТАҲРИРИЯТ САВОЛИ:** — ***Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя этиш мақсадида кўрилган чора-тадбирлардан бири «Ишонч телефони»нинг ташкил этилгани бўлди. Ўтган ярим йилликда бу телефонларга қанча қўнғироқ бўлди ва уларнинг натижаси ҳақида маълумот берсангиз.***

❑ **ЖАВОБ:** — Ўтган биринчи ярим йилликда Адлия вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмаларида ташкил этилган «Ишонч телефони»га тадбиркорлар 484 марта мурожаат этишган. Шундан 149 таси бўйича тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган ноқонуний ҳаракатлар зудлик билан бартараф этилди. Шунингдек, ўтган ярим йил ичида тадбиркорлардан 2163 дан ортиқ аризалар келиб тушди. Бу аризаларни ўрганиш жараёнида уларнинг 906 таси ўз тасдиғини топди ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

● **САВОЛ:** — ***1999 йили январда боғ экиш учун Хўжайли туманидаги «Дўстлик» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасидан 1,7 га. ерни шартнома асосида ижарага олдик. Ижара шартномаси асосида икки йил давомида ҳар йил учун 41259 сўм ижара ҳақи тўлаб келдик. Учинчи йили эса бирлашмадан ижара ҳақи учун 250-300 минг сўм талаб қилинган хат олдик. Ушбу шартнома ва хат қонуний ҳисобланадими?***

Бирлашма 2002 йил 27 мартгача санация ҳисобида бўлди. Бу даврда боғчиликни кенгайтириш учун берган аризам қаноатлантирилмади. Ҳозир бирлашма ширкат хўжалигига айлантирилди. Хўжалик бошқаруви аризамни умумий мажлисда кўриб чиқмасдан бу йил менга тегишли ерга ҳам пахта экиб юборди.

1,7 гектар боғни хусусий боғчилик хўжалигига айлантириб беришга хўжалик, туман мутасадди ходимлари қонуний асос тополмаяпти. Шунга қонуний асос борми?

Ҳалилла ЕШИМБЕТОВ,
Хўжайли туман РТС посёлкаси
«Ўзбекистон» кўчаси, 24-уй.

❑ **ЖАВОБ:** — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 382-моддаси ва «Ижара тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига биноан тузилган ва амал қилаётган ижара шартномасида кўрсатилган ижара ҳақи фақат ижарачи ва ижарага берувчининг келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин. Бундай келишув шартномага ўзгартириш киритиш тўғрисидаги тарафларнинг битими (шартномаси) орқали амалга оширилади. Талаб қилиб юборилган ҳар қандай хат билан шартномани ўзгартириб бўлмайди.

Хусусий боғдорчилик хўжалигини ташкил этиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади: ширкат хўжалигининг умумий йиғилиши қарорига асосан боғни жисмоний шахсга (фуқарога) сотиш йўли билан; Бунда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 482-моддасига ва Ер Кодексининг 22-моддасига асосан боғни сотиб олиш натижасида боғ билан банд бўлган ер майдони боғни сотиб олган шахсга Ер Кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда ўтиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддаси, Фуқаролик Кодексининг 49, 52-моддаларига асосан ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш йўли билан хусусий боғдорчилик хўжалиги ташкил этиш мумкин. Бунда хусусий боғдорчилик хўжалигини ширкат хўжалиги таркибидан хусусий корхонага ажратиш йўли билан ташкил этиш мумкин.

● **САВОЛ:** — ***Жамоат ҳимоячиси ўз ҳимоясидаги судланувчининг манфаатларини кўзлаб, апелляция, кассация, назорат тартибида ариза ёзиш ҳуқуқига эгами? Шунингдек, унинг суд баёнига мулоҳаза билдиришга ҳуқуқи борми?***

Алписбой ИБОДУЛЛАЕВ,
Нукус шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 50-уй.

❑ **ЖАВОБ:** — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-Процессуал Кодексининг 497-моддаси, 2-қисми, 498 ва 510-моддаларида ҳукм устидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар белгилаб қўйилган. Булар қаторида жамоат ҳимоячиси йўқ.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 427-моддасида белгиланган қоидага кўра, тарафлар суд мажлиси баённомаси юзасидан мулоҳазалар беришга ҳақли. Жамоат ҳимоячиси эса тараф ҳисобланади. Шунинг учун у бундай ҳуқуққа эга.

● **САВОЛ:** — ***Мен «Тахиатош» Агрокимётаъминот ҳиссадорлик жамиятида омбор мудири бўлиб ишлаган давримда давлат мулкини талон-торож қилганликда айланиб, суд ҳукми билан қамалган эдим. «Амнистия» тўғрисидаги Фармонга биноан жазони ўташдан муддатидан олдин озод этилдим. Аммо суд томонидан белгиланган айбловдаги «Омайт», «Суми-альфа», «Малихат» номли кимёвий воситалар корхонанинг омборида умуман бўлмаган эди. Бу ҳақиқатни суд, прокуратура органлари орқали қарор топтиришнинг ҳеч ҳам иложи бўлмади. Шу каби масалаларда Адлия вазирлиги фуқароларга ёрдам бера оладими?!***

Адилбай СИПАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Нукус тумани, Абраши қишлоғи.

❑ **ЖАВОБ:** — Бу масалада ҳукм устидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 511-моддасида кўрсатилган назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган шахсларга мурожаат этишингиз лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 ноябрда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги тўғрисида Низом»да вазирликнинг фуқароларга бу каби масалаларда ёрдам бериши кўзда тутилмаган. Лекин Низомнинг 6-бандида кўрсатилишича, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларига риоя қилиш хусусидаги амалдаги қонунчиликка сўзсиз риоя этилишини назорат қилиш вазирлик ваколатига киради.

● **САВОЛ:** — ***Тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахслар фаолиятига тўсқинлик қилаётган, уларнинг ҳуқуқларини поймол этаётган мансабдор шахсларга нисбатан қандай ҳуқуқий чоралар кўрилмоқда?***

Фарҳод МУҲАМЕДОВ,
тадбиркор, Тошкент шаҳри.

❑ **ЖАВОБ:** — Фақат 2002 йилнинг ўтган 6 ойи давомида жойлардаги адлия бошқармаларининг талаби билан 788 нафар айбдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди. Улардан 106 нафари эса эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Шулардан 99 нафари ҳокимият, 46 солиқ, 120 банк, 135 ширкат хўжаликлари, 180 тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва 208 нафари бошқа вазирлик ва идоралар ходимларидир.

Масалан, Тошкент вилояти, Тошкент туманида яшовчи тадбиркор Р Аминжонованинг «Мадина Р» хусусий фирмасини рўйхатга олиш ҳақидаги аризасини ҳокимият ходимлари асоссиз равишда узоқ муддатдан буён ҳал этмаганлиги учун адлия бошқармаси даъвосига асосан, суднинг қарори билан, тадбиркор фойдасига Тошкент тумани ҳокимининг ўринбосари С. Қаюмовдан 50.000 минг сўм ва рўйхатга олиш бўлими бошлиғи А. Йўлдошевдан 25.000 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Бу каби мисолларни кўплаб бошқа вилоятлардан ҳам келтирса бўлади.

● **САВОЛ:** — ***Эрим Ниятбой Сипомов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи судининг 2000 йил 25 август кунидаги ҳукми билан Жиноят Кодексининг 167-моддаси 4-қисми, 209-моддаси 2-қисми, 251-моддаси 3-қисмининг қатор бандлари билан айбланиб судланган эди. Ушбу жиноят ишининг яна бир судланувчиси, жиноий гуруҳ раҳбари Бахит Саликеевга нисбатан ажратиб олинган қисми 2001 йил октябрда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи судида апелляция тартибида кўрилганида, унинг айбидан ортиқча қўйилгани учун 251-модда чиқариб ташланди. Жиноий гуруҳнинг ташкилотчи раҳбари айбидан чиқарилган модда гуруҳнинг оддий аъзосининг айбидан чиқарилмай қолганидан норози бўлиб, барча инстанцияларга ариза ёздик. Лекин уларнинг барчаси натижасиз қолдирилмоқда. Менга шу масалада йўл-йўриқ кўрсатсангиз.***

Гулистан СЕЙТРЗАЕВА,
Нукус тумани, Нукус жамоа хўжалиги,
«Узункўл» бўлими.

❑ **ЖАВОБ:** — Бу масалада Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи судининг ҳукми юзасидан назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларга маҳкум, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили орқали шикоят берилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 511-моддасида ҳукм устидан назорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қайд этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Жўқорғи суди томонидан биринчи инстанцияда чиқарилган ҳукм бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари назорат тартибида протест келтириш ваколатларига эга.

● **САВОЛ:** — ***Маълумки, янги Оила Кодексига қариндошларнинг ўзаро турмуш қуришига монеълик қилувчи қоидалар киритилган. Соғлом авлод дунёга келиши учун хизмат қиладиган қонунга амал қилиш қай даражада? Масалан, 2001 йилда фуқаролик ҳолати далолатномалари (ФҲДЁ) бўлимларида қариндошлардан нечта киши никоҳдан ўтган? Ёки бундай ҳисоб олиб борилмайдими?***

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❑ **ЖАВОБ:** — Оила Кодексининг 16-моддасида насл-насаб, шажараси билан тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай акаукалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ қайд этилиши тақиқланган. Шу сабабли ФҲДЁ идораси бошқа қариндошлар ўртасида (холавачча, амакивачча, тоғавачча ва ҳ.к.) никоҳни қайд этишни рад қилишга ҳақли эмас. Кейинги вақтларда бундай никоҳларнинг зарари тўғрисида матбуот ва телевидениеда кўплаб чиқишлар бўлмоқда. Бу масалада 1998 йилдан буён ФҲДЁ бўлимлари қошида фаолият кўрсатиб келаётган «Оила дорилфунуни» машғулотларида никоҳга кириш учун ариза берган ёшлар ўртасида ФҲДЁ идоралари тиббиёт ходимлари билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бундай никоҳларнинг зарари тиббиёт ходимлари томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳолда, уларни тақиқлаш борасида қонунга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Оила Кодексининг 16-моддасида ўзаро никоҳ тузиши тақиқланган шахслар ўртасида қонуний никоҳ қайд этилиши қаттиқ назоратга олинган ва бундай ҳолатлар 2001 йилда қайд этилмаган.

● **САВОЛ:** — ***1997 йилда хотиним билан орамиздаги никоҳ бекор қилинди. Унинг тарбиясида қолган икки нафар фарзандим учун алимент тўлаб турдим. Собиқ хотиним 2001 йилда вафот этгани боис унинг укасидан фарзандларимни қарамоғимга олиб беришни сўраб, судга ариза ёздим. Аммо шаҳар халқ таълими бўлимининг судга берган хулосасига асосланиб, биринчи босқич суди ва апелляция тартибида ишни кўрган суд ҳам аризамни қаноатлантирмасдан қолдирди.***

Халқ таълими бўлимининг оғзаки ёки ёзма равишда асоссиз васийлик ва ҳомийлик тайинлаш тўғрисида хулоса беришга ҳуқуқи борми?

Жубан АМЕТОВ,
Нукус шаҳри,
Х.Бобожонов кўчаси, 30.

❑ **ЖАВОБ:** — Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»**ги Низомининг 11-бандига кўра, суд томонидан болалар тарбияси тўғрисидаги низолар кўриб чиқилаётганда, боланинг ҳимояси учун ким даъво тақдим қилганлигидан қатъи назар, васийлик ва ҳомийлик идораси ишда қатнашишга жалб этилиши керак.

Ушбу Низомнинг 12-бандида васийлик ва ҳомийлик идораси бола ҳамда уни ўз тарбиясига беришни талаб қилаётган шахснинг (шахсларнинг) турмуш шароитини текширувдан ўтказиши ва текшириш далолатномаси ҳамда унга асосланган низо моҳияти бўйича хулосани судга тақдим этиши шартлиги кўрсатилган.

Баён этилганларга кўра, васийлик ва ҳомийлик органи судга ўз хулосасини сизнинг турмуш шароитингизни тегишли тартибда текширувдан ўтказиш натижасида тузилган далолатнома асосида тақдим қилиши лозим эди.

● **САВОЛ:** — ***Менинг ўғлим Қуанышбай Алланиязов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи суди судлов коллегиясининг 2001 йил 28 декабрдаги 2/302-сонли ажрими билан Жиноят Кодексининг 164-модда, 2-қисми билан айбланиб — 8 йил, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи судининг 2000 йил 25 августдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-модда, 4-қисми «а» ва «в» бандлари ҳамда 209-модданинг 2-қисми, «а» ва «в» бандлари бўйича белгиланган 6 йилдан қисман 1 йили қўшилиб, ҳукмлар мажмуи билан 9 йил озодликдан маҳрум этилди.***

Суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 2 ноябрдаги 25-сонли 8 ва 14-бандларидаги кўрсатмаларни эътиборга олмади. Чунки биз солидар тартибда етказилган моддий зарарнинг ўзига тегишли қисмини тўлиқ тўлаганмиз. Бироқ бу суд ажримида қайд қилинмади. Зарарни қоплаш ва II гуруҳ ногирони эканлиги ҳам жазони енгиллаштириш учун хизмат қилмади. Шу тўғрими?

Қляшбай АЛЛАНИЯЗОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Нукус шаҳри, Д.Ешимбетов кўчаси,
31-уй.

❑ **ЖАВОБ:** — Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 281-моддасида белгиланганидек, жиноий иш юритишда зиённи ундириш асослари, шарт-шароити, ҳажми ва усули фуқаровий ҳамда бошқа соҳа қонун ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 252-моддасида белгиланган қоидага кўра, солидар қарздорлар мажбурият тўла бажарилгунча бурчли бўлиб қолаверади. Қонуннинг бу талабидан келиб чиққан ҳолда, солидар тартибда ундирилиши лозим бўлган суммани маълум шахснинг «ўзига тегишли» қисми ёки зарари тўлиқ қоплангани ҳақида сўз юритилиши ўринсиз.

Ўғлингизнинг зарарни қисман қоплагани ва ногиронлиги учун жазони енгиллатиш ва Олий суд Пленуми қарорлари талабларини қўллаш масаласида Ўзбекистон Республикаси ЖПКсининг 511-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларга маҳкум, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакил орқали шикоят берилиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди томонидан биринчи инстанцияда чиқарилган ҳукм юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари назорат тартибида протест келтириш ваколатларига эга.

● **САВОЛ:** — ***Мен 2002 йилда судландим. Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан жазодан озод қилиндим.***

Тергов вақтида бошқарма кассасига 508 минг сўм маблағ тўлаш талаб этилди. 2 хонали уйимни сотиб тўладим. Бироқ туман судида маблағ масаласи кўриб чиқилмади. Адвокат тавсиясига кўра, вилоят судига кассация тартибида ариза ёздим. Вилоят судининг коллегия ҳайъати аризамни кўриб чиқиб, 508 минг сўм маблағ нотўғри ундирилгани ва ўзимга қайтарилиши тўғрисида ажрим чиқарди.

Шу масалада яна кимга мурожаат қилиш мумкин?

Азим ПИРМАТОВ,
Жиззах шаҳар, «Наврўз» маҳалласи,
Садовая кўчаси, 23-а уй.

❑ **ЖАВОБ:** — Агар сизнинг 508 минг сўм пулингиз эҳтиёт чораси сифатида тўланган бўлса, демак, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 249-моддаси асосида дастлабки тергов органининг депозит ҳисоб варағига гаров тариқасида қўйилган.

2002 йил январь ойида вилоят суди пулни ўзингизга қайтарилиши ҳақида ажрим чиқарганини ёзгансиз.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳудудий бўлимлари, суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлинмаларининг суд ижрочилари зиммасига юклатилган.

Пулни қайтариш хусусидаги ажрим юзасидан тегишли суд томонидан ижро ҳужжати берилган бўлса, унинг ижроси тегишли суд ижрочилари бўлинмаси орқали мажбурий тартибда ижро этилади.

Суд ижрочиси ўз навбатида банк орқали гаровга қўйилган пулни тергов органининг депозит ҳисобидан суд ижрочилари бўлинмасининг депозит ҳисобига тушириб, ҳеч бир тўсиқсиз маблағингизни қайтариб беради. Шунинг учун бу масалада аввал ижро ҳужжати берилган ёки берилмаганини текшириб, сўнг тегишли суд ижрочилари бўлинмасига мурожаат қилишингиз мумкин.

● **САВОЛ:** — ***Фуқаролик ишлари бўйича Зарбдор туманлараро судининг қарорига мувофиқ 2 ой ичида менинг фойдамга 2 миллион 126 минг сўм ундирилиши лозим эди. Лекин қарор ижро этилмади. Бунга фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг раиси А.Муҳаммедиевнинг 2002 йил 7 майдаги 1/281 «д»-сонли хати сабаб бўлди. Ушбу ҳолатни қонун асосида қандай изоҳлаш мумкин?***

Орзиқул МАМАТОВ,
Жиззах тумани, меҳнат фахрийси.

❑ **ЖАВОБ:** — Фуқаролик Процессуал Кодексининг 352-моддасида суд қарорларининг ижросини тўхтатиб туриш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар белгилаб қўйилган. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг раисига эса фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларининг ҳал қилув қарорларининг ижросини назорат тартибида иш юритиш тамом бўлгунга қадар тўхтатиб туриш ваколати берилган.

Демак, бу ўринда қонун бузилиш ҳолати содир этилмаган.

● **САВОЛ:** — ***Эрим Алланиёзов Кунитибай Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи суди жиноят ишлари бўйича судининг 2001 йил 28 декабрь кунги апелляция инстанциясининг ажрими билан озодликдан маҳрум этилди. Эримнинг назорат тартибида ёзган аризаси жавобсиз қолди. Ўзбекистон Олий суди судьяларининг норозилик аризаларимизга ёзган жавоб хатларида апелляция инстанциясининг эмас, балки Нукус шаҳар судининг (биринчи босқич) 2001 йил 9 сентябрдаги ҳукми тавсиф қисми баён этилган, холос. Эримнинг етказилган зарарни қоплагани ҳақидаги далолатнома, тиббий маълумотномалар ва бошқа ҳужжатлари эътиборга олинмаяпти. Бу масалада энди кимга мурожаат қилайлик?***

Айсулув ЕРНИЯЗОВА,
Нукус шаҳри,
Мавференлар кўчаси, 172-уйи.

❑ **ЖАВОБ:** — Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 511-моддасида ҳукм устидан назорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар белгилаб қўйилган.

Нукус шаҳар судининг ҳукми бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Жўқорғи судининг раиси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори назорат тартибида протест келтириш ваколатларига эга.

Бу масалада юқорида номлари келтирилган мансабдор шахсларга мурожаат этишингиз мумкин.

● **САВОЛ:** — ***Мен яшаётган Ғузор туманида 150 минг нафар аҳоли истиқомат қилса-да, битта натариал идора ишлаб турибди. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус идорасини очиш ниятим бор. Шу тўғрида бир неча йиллардан буён вилоят Адлия бошқармасига мурожаат қилиб келмоқдаман, аммо улар очишга рухсат беришмаяпти. Шу тўғрими?***

Маматрасул ЭРГАШЕВ,
Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани,
Ф.Хўжаев кўчаси, 71-уй.

❑ **ЖАВОБ:** — Нотариус лавозими муайян вилоят ҳудудида Адлия бошқармасининг нотариусларнинг иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда киритган таклифига кўра Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилади.

Нотариусга муайян ҳудудда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш Адлия вазирлиги томонидан нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар ўртасида танлов асосида амалга оширилади. Танлов ўтказиш тартибини Адлия вазирлиги белгилайди. («Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси).

Ҳозирги вақтда 141 минг нафар аҳолиси бўлган Ғузор туманида битта давлат нотариал идораси бўлиб, унда икки нафар нотариус фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг иш ҳажми Қашқадарё вилоятининг бошқа айрим туман(шаҳар)ларига қараганда бирмунча кам. Шу сабабли у ерда қўшимча нотариал идора очиш зарурати йўқ.

● **САВОЛ:** — ***Мактабимиз ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлди. Банкда алоҳида ҳисоб рақамимиз бор. Бундай ҳолда мактабга ўқитувчиларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш қандай тартибда амалга оширилади? Туман халқ таълими бўлими томониданми ёки мактаб раҳбарияти томониданми?***

Саъдулла ШАЙДУЛЛАЕВ,
Жиззах вилояти, Бахмал тумани,
Ўсмат қишлоғи, Навоий кўчаси, 36-уй.

❑ **ЖАВОБ:** — Мактабга ўқитувчиларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш Меҳнат Кодексининг 82-моддасига асосан амалга оширилади. Ушбу модданинг биринчи қисмида «Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади» деб кўрсатилган. Кимлар иш берувчилар бўлиши мумкинлиги Меҳнат Кодексининг 15-моддасида акс эттирилган. Яъни, корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида; мулкдорнинг ўзи айни бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар; ўн саккиз ёшга тўлган айрим шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда иш берувчи бўлиши мумкин.

Баён этилганларга асосан туман халқ таълими бўлими иш берувчи бўлиб ҳисобланмайди.

● **САВОЛ:** — ***Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» ташкил этилган эди. Бу китоб тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя этишда кутилган натижани бераяптими?***

Н.САЪДУЛЛАЕВ,
журналист.

❑ **ЖАВОБ:** — Бугунги кунда қонун даражасига кутарилган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг 170 мингтаси тадбиркорларга етказиб берилди. Бу йил янги ташкил топаётган тадбиркорларга етказиб бериш мақсадида яна 50 минг дона китоб чоп этиш режалаштирилган.

Шу билан бирга Адлия вазирлиги ходимлари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган социологик ўрганишлар шуни кўрсатдики, 7804 нафар тадбиркор «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни текширувчи шахсларга тўлдириш учун тақдим этганда улар текшириш ўтказмай кетиб қолган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА КИТОБ САВДОСИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Қуйидагилар:

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси;

ходимларининг чекланган сони 18 нафар бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг ижро этувчи аппарати тузилмаси маъқуллансин.

Белгиланснки, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати харажатлари унинг хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобига таъминланади.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг устав фонди «Китобсавдо» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг акциялари давлат пакетлари, шунингдек «Ўздавкитобсавдотаъминоти» акциядорлик жамияти мол-мулкининг бир қисми ҳисобига шакллантирилади.

5. «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун махсус комиссия ташкил этилсин.

Махсус комиссия бир ой муддатда «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин, таъсис ҳужжатлари йиғилиб чиқилишини, устав фонди ва муассисларнинг улушлари миқдорлари белгиланишини, таъсис йиғилиши ўтказилишини ва компания устави белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин. Амалга оширилган ишлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бир ой муддатда шаҳарлар ва туманларда қўшимча равишда очиладиган янги китоб дўконлари жойлаштирилишини белгиласинлар ва уларни китоб маҳсулотларини сақлаш ва сотиш учун яроқли бўлган бинолар билан таъминлаш масалаларини ҳал этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси китоб дўконлари очиш учун давлат мулки ҳисобланган бинолар тақдим этилган тақдирда, 2002 йил охиригача уларни қайта баҳоласин ва «Китобсавдо» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улуши тегишлича кўпайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вазирликлар ва идоралар 2002/2003 ўқув йили бошлангунга қадар тегишли ўқув юртлари ҳудудларида мазкур ўқув юртининг йўналишига ихтисослаштирилган китоб савдоси шохобчаларини очсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда илгари хусусийлаштирилган китоб дўконлари томонидан савдо ихтисоси сақлаб қолиниши тўғрисида тузилган шартномаларга риоя этилишини хатловдан ўтказсин. Қоида бузилиши аниқланган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи давлат далолатномасидан белгиланган тартибда маҳрум қилишгача бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар қўллансин.

9. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда китоб маҳсулотларига буюртмаларни шакллантириш механизмини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

10. «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази республика нашриётлари билан биргаликда бир ой муддатда:

аҳоли, айниқса ёшлар орасида миллий ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш;

бадиий, ижтимоий-сиёсий ва илмий-маърифий адабиётга бўлган талабни мунтазам ўрганиш;

китоб маҳсулотлари мамлакатимиз нашриётлари томонидан чоп этилишини кенгайтириш ҳисобига аҳолининг мавжуд эҳтиёжини қондириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда республикада ва чет элда босиб чиқарилаётган бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётлар, шунингдек мактаб ўқув анжомлари ва кўргазмали қўлланмаларнинг ярмарка-кўргазмалари мунтазам ўтказилишини (бир йилда камида бир марта) таъминласин.

11. Белгиланснки, китоб савдоси улгуржи ташкилотлари қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилади.

12. «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар, А.Навоий кўчасидаги 30-уйга жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ БАНКДАН ТАШҚАРИ МУОМАЛАСИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари белгиланган савдо ва нақд тушумни топшириш қоидалари бузилишининг солиқ органлари томонидан аниқланган ҳоллари бўйича чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларнинг амал қилишини тўхтатишгача бўлган қаттиқ чоралар кўрсинлар.

3. 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб мулкчилик шакларидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банкларидаги ўз ҳисоб рақамларидан нақд маблағларни топширилган нақд тушум доирасида белгиланган тартибда биринчи талаб бўйича олиш ҳуқуқи берилсин.

4. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб мулкчилик шакларидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилинсин.

Белгиланснки, 2002 йилнинг тўртинчи чорагидан бошлаб мулкчилик шакларидан қатъи назар юридик шахслар ёлланиб ишловчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш сифатида ҳисобланган ва амалда тўланган суммалар ҳамда бошқа даромадлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ушбу даромадлардан солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда тақдим этадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки бир ой муддатда алоҳида йирик миқдордаги пул маблағлари муомаласи, шу жумладан нақд пул берилиши бўйича ахборотларни электрон айирбошлаш тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

6. Турғун савдо ва хизматлар кўрсатиш шохобчалари орқали аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан корхоналар ва ташкилотлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган савдо қоидалари бузилганлиги учун жавобгарликнинг қуйидаги чоралари белгилансин:

нақд пул тушуми яширилиши ҳолати аниқланган тақдирда солиқ органининг қарорига кўра яширилган нақд пул тушуми миқдорида белгиланган тартибда жарима ундирилади;

назорат-касса машиналари қўлланилмасдан, кўчирма ёки бундай ҳужжатлар бериш мажбурий бўлган тақдирда квитанцияларнинг кўчирмасисиз, талонлар, чипталар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чеклар берилмасдан савдо қилинганда ва хизматлар кўрсатилганда ундирилган сумма давлат бюджетига йўналтирилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида жарима ундирилади, жарима жазолари қўлланилгандан кейин бир йил мобайнида такрорий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда – энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида жарима ундирилади.

7. Белгиланснки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарори билан белгиланган юридик шахслар (товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларни улгуржи етказиб берувчилар) томонидан товарларни улгуржи сотиш тартиби бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан ушбу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ундириб олинади ва айбдор мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилган ҳолда шу миқдорда жарима солинади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига сўзсиз риоя этилиши таъминланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, бунда товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймасликка, назорат-касса машиналари мавжудлигига, нақд пул маблағлари ўз вақтида инкасса қилинишига алоҳида эътибор берилсин. Айбдор шахсларга нисбатан жиноий жазога тортишгача қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари Молия вазирлиги билан биргаликда 2003 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳрида тажриба тарзида пластик карточкалардан фойдаланиш йўли билан иш ҳақи тўлашга босқичма-босқич ўтишни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2002 йил 1 октябргача кредит пластик карточкаларни муомалага чиқариш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Тижорат банклари чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда товарлар ва хизматларга ҳақ тўлаш сифатида пластик дебет карточкалари қабул қилинишини таъминловчи терминаллар тармоғини кенгайтирсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўконлари очиши чора-тадбирларини кўрсин, улар аҳоли зич жойлашган туманларда, бозорларда ва оммавий савдо қилинадиган бошқа жойларда жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда банкдан ташқари муомалани чеклаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг муҳимлиги ва мазмунини, солиқ ҳақидаги қонунлар бузилишига йўл қўйилмаслиги ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун жазонинг муқаррарлигини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

мазкур қарор қоидаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли идоравий норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсинлар.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот берилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 август

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўтган ҳафта Кунчиқар ўлкага қилган ташрифини

БИЗ КАШФ ҚИЛГАН ЯПОНИЯ

деб шарҳлашни жоиз кўрдик

(Давоми. Боши 1-бетда)

Японияда «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури ишлаб чиқилган. Ана шу дастурга кўра ривожланаётган мамлакатларга катта миқдорда беғараз ёрдам берилади. Бундай саховатпешаликда Япония дунёда биринчи ўринда туради. Бу биз учун изоҳ талаб қилмайдиган ҳақиқат. Чунки телеэкранда элчи хонимнинг саховатпешалик тадбирларини кўп кўрганмиз. Жумладан, мамлакатимизга беғараз ёрдам сифатида 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ ажратилибди.

Бундай ёрдам кўплаб давлатларга ҳам берилаётганлигини хориж матбуоти хабарларидан билиб турибмиз. Одатда, биз «беғараз» деган сўзга ўрганиб қолганмиз. Бироқ Японияга нисбатан «беминнат ёрдам» деб ишлатсак бўлади. Чунки, бу давлат одатда ҳеч қандай шарт қўймай, гина-кудурат қилмай, қилаётган яхшиликни эслатмай беминнат ёрдам кўрсатади. Шарқона одат-да!

Ўзбекистон Президентининг Токиодаги ҳар бир учрашуви расмиятчиликдан йироқ бўлди. Японияннинг давлат арбоблари Ислом Каримов билан ўз қадрдонлари ва қалин дўстлари билан учрашгандек, ўзларини самимий, камтарона, осиёликларга хос ҳурмат-эътибор доирасида тутдилар ва эркин суҳбатлашдилар. Буни Президентимиз тимсолида бутун ўзбек халқига, Ўзбекистон аҳолисига кўрсатилган илтифот дейиш мумкин. Протокол, расмиятчилик — ўз йўли билан албатта. Протокол — дипломатия қоидаси. Аммо илтифотда акс этган самимийлик ҳар қандай протоколни ҳам безаб туради.

Император ҳазратлари саройда шаклланган қоидадан четга чиқиб, Президентимизни иккинчи ташриф пайтида ҳам қабул қилдилар. Бу ҳам мамлакатимизга ва халқимизга бўлган ҳурмат-эътибор рамзи. Императорнинг Ислом Каримовни кутиб олиш ва кузатиб қўйиш жараёнида ўзини қандай тутганлигига эътибор бергандирсиз: азиз меҳмонни орзиқиб кутгани... қадрдон дўстни кузатиб қўйгани...

Ўринли савол туғилади: хўш, Япония бизнинг стратегик ҳамкоримиз экан, олдин биз билган Япония ҳозиргисидан нимаси билан фарқ қилади? Умуман, илгари биз бу давлатни қай даражада билардигу, ҳозир қай даражада биламиз?

Илгари деганда биз ўтган асрнинг олтмишинчи йилларигача бўлган даврни назарда тутяпмиз. Тўғриси, кўпларимиз илгари Япония деганда иккинчи жаҳон урушида Германияга иттифоқчи бўлган ва урушда мағлубиятга учраган, Хиросима ва Нагасаки деган шаҳарлари ядро қуролидан вайрон бўлган, ўн минглаб одамлари қуйиб кул бўлган, юз минглаб одамлари майиб-мажруҳ бўлиб қолган, ерию осмони заҳарланган, тупроғи унумсиз, ерости табиий бойликлари кам, армиядан воз кечган, бир сўз билан айтганда, ёрдамга ва ҳимояга муҳтож, тараққиётдан ва куч-қудратдан йироқ давлатни назарда тутардик.

Ҳозир эса — Япония деганда биз, мўъжизавий тараққиёт, тўқчилик ва тўкинчилик, тинчлик ва осойишталик, тиббий юксалиш ва тани соғлик, сахийлик ва саховатпешалик тимсоли бўлган мамлакатни биламиз. Бу мўъжизавий ўзгаришларнинг ижодкори турли офату фожиалар синовидан ўтган япон халқидир. Биз бундай саховатли бунёдкор халқни ва мўъжизавий тараққиётга эришган қудратли давлатни, тўғриси, мустақилликдан кейингина кашф қилдик. Япон халқининг ва Япония давлатининг яна нималарга қодирлигини ва бундан кейинги тараққиётини энди қалин дўст ва яқин стратегик ҳамкор сифатида кузатиб борар эканмиз, сўзсиз, ҳар бир ютуғидан қувонамиз, суюнамиз, фахрланамиз!

■ **Иброҳим НОРМАТОВ,**
сиёсий шарҳловчи

ПАРЛАМЕНТ ҲУКУМАТ РЕЖАСИДАН НОРОЗИ

Свазиленд парламенти мамлакат қироли Мсвати III учун 250 миллион долларга самолёт сотиб олиш ҳақидаги ҳукумат режасига қаттиқ норозилик билдирди ва самолёт сотиб олиш режасини ишлаб чиққан мамлакат бош вазири истеъфога чиқишини талаб этмоқда. Негаки, бу харид мамлакат бюджетидаги етишмовчиликни беш баробарга ошириб юбораркан. Ҳукумат эса бу режани «янги харид қилинган самолёт мамлакатга озиқ-овқат ташишда асқотиши мумкин»-лиги билан оқламоқда.



ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

АҚШнинг Луизиана штати губернатори Майк Фостер штатда Нил безгаги тарқалиши муносабати билан фавқулодда ҳолат эълон қилди.

У АҚШ федерал бюджетидан яна 3 миллион доллар ажратилишига умид боғламоқда. Вирус тарқалишига қарши кураш учун аввал 5 миллион доллар ажратилган эди.

Шу кунларда 58 кишига безгак юққанлиги қайд этилган. 4 киши эса оламдан ўтган.

НОМЗОД ЕНГИЛ ЖАРОҲАТЛАНДИ

Бразилия президентлигига Антонио Гаротинхо номзодини қўллаб-қувватлаш учун ўтказилаётган митинг пайтида девор қулаши оқибатида бир неча киши жароҳатланди.

Reuters ахборот агентлиги тарқатган хабарда ёзилишича, 200 га яқин одам баланд деворга чиқиб олгани боис, девор қулаб тушган. Президентликка номзод Антонио Гаротинхо ҳам енгил тан жароҳати олган.

ЯПОНИЯ КЎЧАЛАРИДА

■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ҚАМОҚХОНАДАН ҚОЧИШДИ

Гаитининг Гонаив шаҳридаги қамоқхонадан 159 нафар маҳбус қочиб кетди. Уларни қуролланган безорилар озод этдилар, яъни безорилар куппа-кундузи бир тракторни ўғирлаб, унинг ёрдамида қамоқхона деворини буздилар. Қамоқхонадаги 221 маҳбусдан 159 нафари қочиб чиқиб, шаҳар суди ва муниципалитет биносини ёқиб юбордилар. Полицияни эса шаҳардан ҳайдаб чиқардилар.

Вазиятни қўлга олиш учун мамлакат армияси полициягa ёрдамга келди. Бу ҳақда CNN телекомпанияси хабар берди.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» ВА ВИЛОЯТ «МАТЛУБОТСАВДО»
акциядорлик компаниялари
2002 йил 5 августдан 10 сентябргача
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг барча туманларида янги ўқув йили муносабати билан

«МАКТАБ БОЗОРЛАРИ»
ташкил этади.

Сизлар ушбу «Мактаб бозорлари»дан ўқув қуроллари, адабиётлар ва дарслик китоблар ҳамда 20 фоизгача арзонлаштирилган нархларда болалар кийим-кечаклари, пойабзаллари ва бошқа саноат молларини харид қилишингиз мумкин.

МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми партия Бухоро вилоят кенгаши биринчи котиби Ж.К.Нуруллаевга онаси **МУБОШИРА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

SPORT

«АЛПОМИШ ЎЙИНЛАРИ» ФЕСТИВАЛИ

Яна бир неча кундан сўнг (12-14 август кунлари) миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивалининг республика финал босқичи Гулистон шаҳрида бўлиб ўтади. «Алпомиш ўйинлари» деб ном олган бу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари иштирок этиб, ғолиблик учун беллашадилар. Ўйинлар дастуридан «Тош кўтариш», «Елкада кураш», «Бўрон», «Хўрозлар жанги», «Тортишмачоқ», «Минди» каби миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари жой олган.

— Мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган мазкур фестивалга тайёргарлик ишларини қизғин бошлаб юбордик, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси, ташкилий комиссия раҳбари ўринбосари Жуманазар Матқурбонов. — Вилоят ҳокими қарори билан ташкилий комиссия тузилди, тадбирлар ишлаб чиқилди. Асосий тадбирлар ўтказиладиган жой — «Алпомиш» спорт мажмуасини мусобақаларга ҳозирлаш, ўйиннинг рамзий белгилари туширилган панноларни тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

■ **Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«САМАРҚАНД-Д»ГА ОСОН БЎЛМАЙДИ

Ўтган шанба куни футбол бўйича мамлакат олий лига жамоалари иккинчи давра учрашувларини бошлашди. Ушбу тур кутилмаган натижаларга бой кечди.

Мавсумнинг биринчи даврасини ҳужумкор руҳда ўтказган «Самарқанд-Д» жамоасини чемпионат оралиғида бош мураббий Ҳаким Фузайлов ҳамда бир қатор етакчи футболчилар тарк этишди. Шу боис, қийин аҳволга тушган самарқандликларнинг қолган ўйинларни юқори савияда давом эттиришларига бугун барча шубҳа билан қарамоқда. Ўн олтинчи турда «Навбаҳор» футболчилари уларнинг меҳмони бўлишди ва йирик ҳисобда — 5:0 зафар қучдилар.

Чемпионлик учун асосий даъвогар саналган пахтакорчилар бу сафар пойтахт вилояти вакиллари — «Дўстлик» жамоасига қарши тўп суриб, навбатдаги ғалабага эришдилар — 3:0. Тўпларни Гочқули Гочқулиев (иккита), Сервер Жепаровлар киритди. Мавсум аутсайдери «Сурхон» жамоаси бу гал ҳам ўз «анъана»сини бузмади. «Насаф» футболчилари термизликлар дарвозасига жавобсиз беш тўп йўллашди.

Турнинг қолган ўйинлари эса қуйидагича якунланди: «Трактор» — «Машъал» — 4:2, «Бухоро» — «Андижон» — 3:2, «Сўғдиёна» — «Металлург» — 0:2, «Зарафшон» — «Қизилқум» — 0:2, «Қўқон-1912» — «Нефтчи» — 0:4. Навбатдаги учрашувлар 10 август куни ўтказилади.

САИДА ВА ТИМУРНИНГ ИЗДОШЛАРИ

24 июль — 3 август кунлари Швециянинг Калибург шаҳрида стол тенниси бўйича Бутунжаҳон ўсмирлар фестивали ўтказилди.

Бу катта спорт анжуманида қатнашган иқтидорли ёшларимиз Саида Бурхонхўжаева ҳамда Тимур Ширеевлар шахсий биринчиликда шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилишди. Уларнинг сингил ва укалари Нодира Бурхонхўжаева, Альберт Ширеевлар эса бронза медалларига сазовор бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида кичик ракеткачиларимиз элликка яқин мамлакат спортчилари орасида биринчи бўлишди.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

БЕҲЗОД АСАРЛАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг махсус комиссияси томонидан Миср ва Буюк Британия кутубхоналари ҳамда музейларидан келтирилган Камолиддин Беҳзод миниатюралари нусхаларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Аввало, шуни эътироф этмоқ жоизки, мазкур нодир асарлардан нусха кўчириб юртимизга келтирилиши бир талай изланишларни тақозо этди. Аниқроғи, булар Англиядаги «Бодлеан» оммавий кутубхонаси, Британия музейи, Виктория ва Алберт (Буюк Британия) музейларидан 42 та, Қоҳира шаҳридан эса 100 га яқин слайда ва факсимил репродукциялар олинди. Булар хусусида Олий Мажлиснинг махсус комиссияси раиси Неъматулла Иброҳимов маросим иштирокчиларига сўзлаб берди.

— Беҳзодни мусулмон дунёсининг биринчи мўйқалам соҳиби сифатида тан оламиз, — дейди маросимда иштирок этган Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гомил Файид. — У қолдирган мерос алоҳида тарихий аҳамият касб этади. Мисрда Беҳзод миниатюра мактабининг мавжудлиги ҳам бежиз эмас.

Шу куни Ўзбекистоннинг таниқли миниатюрачи мусаввирлар асарларининг кўргазмаси ташкил этилди.

■ **Нилуфар АБДУРАҲМОНОВА**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 6,13,20,27 сентябрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

1. «Нексия» русумли, давлат рақами 58 14 ТНД, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 1 100 000 сўм.

2. «РАФ-2203-01» русумли, давлат рақами 10 АС 498, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 600 000 сўм.

Шунингдек, 2002 йил 14,28 август, 13,27 сентябрь кунлари соат 11.30 да ўтказиладиган танлов савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Қашқадарё вилояти, Китоб туманида жойлашган, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вилоят бошқармасига қарашли «Мингчинор» асаб касалликларини қайта даволаш шифохонаси.

Бошланғич баҳоси — 30 860 000 сўм.

Танлов савдосидан объектни сотиб олишнинг шартлари:

1. Шифохона фаолиятини 3 йилгача ўзгартирмаслик;
2. Қўшимча тиббий хизмат турларини ташкил этиш;
3. Шифохонани замонавий тиббиёт аппаратуралари билан таъминлаш;
4. Санитария ва гигиена талабларига қатъий амал қилиш;
5. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига имтиёзли хизмат кўрсатиш;
6. Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2002 йил 14 августда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 28 августда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 13 сентябрда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 27 сентябрда республика Биржалар маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида очилади.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

10 фоизлик гаров пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдолари бўйича савдодан 1 соат олдин, танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хориж-лик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: ***Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.***
Маълумот учун телефонлар: ***136-26-26, 136-28-75.***
Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com

РАҚҚОСА НИГИНА НИГМАТОВА

хореография билим масканида таҳсил олиб, ишни «Баҳор» рақс гуруҳида бошлаган. Гулнора Маваева, Қундуз Миркаримова каби атоқли санъаткорлардан таҳсил олган. 1988 йилдан 1999 йилгача, яъни «Етти гўзал» гуруҳига келгунга қадар «Баҳор»да ишлаган.

— Миллий рақсимиз, — дейди Нигина Нигматова, — ўзининг нафис ҳаракатлари, инсон руҳиятининг гўзалликка етаклашда бетакрор қиёфага эга эканлиги билан ажралиб туради. Ижро услубидаги нафислик, рақҳосадан фақатгина жисмоний тайёргарлик эмас, руҳий баркамоллик, ҳозирлик талаб қилади.

Хизмат сафари билан Франция, Бельгия, Жанубий Корея, Туркия, Япония каби мамлакатларда бўлганман. Ва ҳар сафар ўзбек рақсининг томошабинда қолдираётган таассуротига, тик туриб олқишлашларига шоҳид бўламиз.

Бу борада, устозим «Етти гўзал» яккахон рақс гуруҳининг раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Юнусованинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтишим керак. Чунки, рақсни, хусусан яккахонлик санъатини эгаллашимда Дилбар опа берган тажриба, маслаҳатлар муҳим ўрин тутади. Агар бугун рақс борасида қандайдир натижаларга эришган бўлсам, булар Дилбар опа туфайлидир.

— Услуб, ҳаракатларни кашф этиш кўпроқ нималарга боғлиқ?

— Албатта, биринчи навбатда халқ санъатини, фольклорни теран англаш лозим. Кейин, миллий ҳаётимиз, турмушни билиш, айниқса, ўзбек аёлларининг қалбини англаш, ҳис этиш, миллий рақс руҳиятини кўрсатиш учун жуда зарур. Чунки, ўзбек миллий рақси кўпроқ ўзбек аёлининг шуури, қалби, муносабати орқали шаклланади, санъат даражасига кўтарилади. Шу маънода Мукаррама Турғунбоеванинг ижодини ўзбек рақсининг рамзи сифатида қабул қилиш мумкин, десам муболаға бўлмас. Рақс ўзбек миллатининг нафосатидир, бу нафосатни англаш эса менга ҳамиша фахр бағишлайди.

■ **Абдумалик БОБОЕВ**
ёзиб олди

Курсдошлар диққатига!

1972 йилда Тошкент давлат университети биология-тупроқшунослик факультети кундузги ўзбек бўлими битирувчиларининг йиғини 2002 йил 11 август соат 14.00да факультетнинг эски биноси ёнидаги «Уголок» кафеси олдида бўлади.

ОБ-ҲАВО

ЧИЛЛАДА... МОМАҚАЛДИРОҚ?!



Дарров айтиб қўя қолай, бу сўзлар замирида ҳеч қандай ғайриодатий ҳодиса тилга олинаётгани йўқ. Республика бош гидрометеорология марказидан хабар беришларича, кейинги 50 йил мобайнида июль ойидаги «қуруқ — ёмғирли» деб аталган шкала иккита тенг бўлакка тақсимланади. Яъни, 25 йил давомида ҳеч қандай ёғингарчилик кузатилмаган бўлса, бошқа 25 йиллик — июль жазирамасида момақалдироқлар бўлиб турди. Чунончи, 1954 йилнинг июль ойида энг кўп ёғингарчилик — 29 миллиметр даражасида юз берди.

Ўтган чоршанба куни Тошкент осмонида гумбурлаган момақалдироқни ҳеч қайси йил билан тенглаштириб бўлмайди. Пойтахтимизнинг кўплаб аҳолиси бу воқеадан хавотирланди ҳам.

Уларнинг: «Нега? Қаердан? Ахир чилла ҳали давом этаяптику», деган табиий қизиқишига жавоб бериш учун республика бош гидрометеорология хизматининг бош синоптиги Ирина Борисовна Зайцевага мурожаат қилдик:

— Аввало, шуни айтишим керакки, — деди у, — июль ойининг сўнгги кунида юз берган момақалдироқ тўсатдан бўлди. У қисқа муддат давом этди. Кутилмаган ва олдиндан айтиб бўлмаган ҳол юз берганлиги билан ўша куни бутун Ўзбекистон ҳудуди эрталабданоқ қуруқ ва иссиқ ҳаво оқими билан қопланганлигини эътиборга олмоқ лозим.

Куннинг иккинчи ярмида Қозоғистон жанубий ва Арнасой қўллари устини қалин булут қоплай бошлади. Соат 16 дан 17 га қадар Тошкент вилояти «осмони»да ва унинг айрим тоғли туманларида момақалдироқ юз бериб, жойларда нотекис ёғингарчилик бўлди.

Тошкент марказий метеостанциясининг маълумотларига кўра, метеостанция атрофида ёғингарчилик миқдори 1,6 мм. га етди. Аэропорт атрофида эса бу кўрсаткич 5 мм. ни ташкил этган. Лисунов кўчаси атрофида тезкор ва давомли ёмғир кузатилиб, унинг миқдори 10 мм. га борган. Сирғалида эса бир томчи ҳам ёғмади.

— Августнинг дастлабки кунларида бизни қандай обҳаво кутмоқда? Чилла энди тугади-ку?

— Тахминларимизга кўра, дастлабки ўн кунликда жазирама давом этади. Мамлакатимизнинг марказий туманлари ва Тошкентда кунлик ҳаво ҳарорати 35-40, жанубда ва чўл зонасида 42 даражани ташкил этади.

Бундан чиқадики, гарчи, тақвим муддати ўтган бўлса-да, чилла ўз ўрнини ҳали асад ойига бўшатиб бермайди.

■ **Суҳбатни Владимир ЧЕБОТИН олиб борди**

Газетанинг навбатдаги сони 10 август, шанба куни чиқади

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ КИМОШДИ, ТАНЛОВ ВА БИРЖА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

2002 йил 6,13,20,27 сентябрь кунлари КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Ўрикзор мавзеси, Зарафшон 3-тор кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган, сатҳи 0,04 гектар бўлган ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

Бошланғич нархи — 672 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, 30-мавзеда жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган 2 та ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 872 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси, Т.Зоҳидов кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган, сатҳи 0,03 гектар бўлган ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

Бошланғич нархи — 312 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам тор кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган, сатҳи 0,04 гектар бўлган 2 та ер участкаси ва 0,02 гектар бўлган 1 та ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

0,04 гектар ернинг ҳар бирининг бошланғич нархи — 3 152 000 сўм.

0,02 гектар ернинг бошланғич нархи — 1 576 000 сўм.

«Тошнефтмаҳсулот» давлат унитар корхонасига қарашли, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Тошкент халқа йўлининг Сағбон-Охунбобоев қисми, 18-19-километрида жойлашган 106-сон автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси сотилади.

Бошланғич нархи — 155 785 900 сўм ёки 224 100 АҚШ доллари

Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

2002 йил 6,13,20,27 сентябрь кунлари ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, «Марказ-5» мавзесида жойлашган, 245-сон болалар боғчаси танлов савдоларига қўйилади.

Бошланғич нархи — 35 000 000 сўм ёки 50 332 АҚШ доллари.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биноси ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Савдолар 11.00 да бошланади.
Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Бўлиб ўтган савдоларда қуйидаги кўчмас мулклар сотилди.

2002 йил 2 август куни ўтказилган танлов савдоларида «Тоштўқимачи» акциядорлик жамияти балансидаги, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, «Абдуллаева» даҳаси, 3-а уйда жойлашган 4-сонли болалар боғчаси 42 000 000 сўмга, 150 000 000 сўм инвестиция қилиш мажбурияти билан сотилганлигини маълум қилади.

Шунингдек, ўтказилган кимошди савдоларида Тошкент шаҳар А.Икромов туманида жойлашган 2 та ер майдони 7 200 000 сўмга, Чилонзор туманида жойлашган 2 та ер майдони 1 810 000 сўмга ва Сирғали туманида жойлашган 14 та ер майдони 13 700 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Ўтган ҳафтада биржа савдоларида қуйидаги объектлар сотилди:

№	Объект номи	Сотилиш нархи (минг сўм)
1.	«ВАЗ-21063» № 30В 4726; 1984 й/ч	120,0
2.	«Дамас» № 30 А 8480; 2002 й/ч	200,0
3.	«ЗАЗ-968» № Л 0040 ТН; 1989 й/ч	35,0
4.	«ВАЗ-21063» № 30 В 1481; 1989 й/ч	100,0
5.	«Дамас » № 10 К 6170; 1998 й/ч	150,0
6.	«Дамас » № 30 В 2116; 1997 й/ч	150,0
7.	«ВАЗ-2105» № 10 R 9538; 1983 й/ч	80,0
8.	«ВАЗ-2121» № 11 I 2251; 1981 й/ч	100,0
9.	«ГАЗ-31020» № 10 AW 327; 1997 й/ч	2 250,0
10.	«ЗИЛ-ММЗ-4502» № 7766 ТНМ; 1987 й/ч	235,0
11.	Ошхона биноси	5 100,0
12.	«МАЗДА-929» № 10 Т 8264; 1987 й/ч	150,0
13.	«ГАЗ-31029» № 30 А 9427; 1993 й/ч	120,0
14.	«ГАЗ-31029» № 10 Z 7633; 1993 й/ч	120,0
15.	«РАФ-220301» № 10 V 6392; 1993 й/ч	200,0
16.	«ВАЗ-21011» № 10 Е 6228; 1975 й/ч	50,0
17.	«ВАЗ-21061» № 10 S 2943; 1982 й/ч	50,0
18.	Савдо дўкони биноси	600,0
19.	Қурилиши тугалланмаган насос биноси	3 400,0
20.	Қаҳвахона биноси ва иншоотлари	3 500,0
21.	«ВАЗ-21061» № 10 Н 4617; 1991 й/ч	100,0
22.	«Тико» № 10 АЕ 995; 1999 й/ч	900,0
23.	«Тико» № 10 АЕ 075; 1998 й/ч	850,0
24.	«Нексия» № 30 А 3080; 2000 й/ч	200,0
25.	«ГАЗ-31029» № 10 V 4136; 1995 й/ч	100,0

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 671

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 01-20
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA